

# БОЖХОНА МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ СОДДАЛАШТИРИШДА ТАШҚИ САВДО ШАРТНОМАЛАРИ ТУРЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Муқимов Асроржон Расулович,*

*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Бухоро  
вилояти божхона бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари*

## **Аннотация**

Ушбу мақолада тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо ва валюта операцияларини амалга оширишда янада қулайлик яратиш, валюта назорати органлари томонидан ўтказиладиган ташқи савдо операциялари мониторинги тартиб-таомилларини такомиллаштириш ҳамда ташқи савдо шартномалари турларини мақбуллаштиришниң аҳамияти очиб берилган.

**Калит сўзлар:** божхона расмийлаштируви, божхона назорати, ташқи иқтисодий фаолият, ташқи савдо, ташқи савдо операциялари, ташқи савдо шартномаси, ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими, экспорт, импорт.

## **Аннотация**

В данной статье раскрывается важность повышения удобства внешнеторговых и валютных операций для субъектов предпринимательства, совершенствования процедур контроля внешнеторговых операций, проводимых органами валютного контроля, оптимизации видов внешнеторговых контрактов.

**Ключевые слова:** таможенное оформление, таможенный контроль, внешнеэкономическая деятельность, внешняя торговля, внешнеторговые операции, внешнеторговый договор, единая электронная информационная система внешнеторговых операций, экспорт, импорт.

## **Abstract**

This article reveals the importance of increasing the convenience of foreign trade and currency transactions for business entities, improving procedures for monitoring foreign trade transactions carried out by currency control authorities, and optimizing the types of foreign trade contracts.

**Key words:** customs clearance, customs control, foreign economic activity, foreign trade, foreign trade operations, foreign trade agreement, unified electronic information system of foreign trade operations, export, import.

**Кириш.** Бугунги жаҳон мамлакатларининг ўзаро интеграцияси ривожланиб бораётган глобаллашув даврида ташқи савдо операциялари

мониторингини юритиш ҳамда ташқи савдо жараёнларини соддалаштириш мухим ўрин эгаллайди.

Ташқи савдо операциялари мониторингини юритишнинг асосий манбаи ташқи савдо шартномалари ҳисобланиб, уларнинг турларини мақбуллаштириш маҳаллий тадбиркорлик субъектларига кўплаб қулайликлар яратади.

Маълумки, ташқи савдо операциялари устидан мониторинг ва назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” **283-сон қарори** асосида амалга оширилади [1].

Қарорга мувофиқ, бугунги кунда **22 турдаги**: экспорт, импорт, бартер, марказлаштирилган экспорт, марказлаштирилган импорт, импорт биржа (ярмарка), экспорт биржа (ярмарка), экспорт консигнация, республика худудида экспорт, қайта ишлиш (республика худудида) бўйича, қайта ишлиш (республикадан ташқарида) бўйича, лизинг асосидаги экспорт, лизинг асосидаги импорт, олиб кириш, олиб чиқиш, сотиб олиш, сотиши ва реклама шартномалари мавжуд.

Божхона қўмитаси электрон тизим маълумотлари асосида **2021-2024 йилларда 691 217 та ташқи савдо шартномалари асосида ташқи савдо юклари божхона расмийлаштирувидан ўтказилган**.



1-расм. Ташқи савдо шартномаларининг турлари йиллар кесимида таҳлили (2021-2024 йиллар)

*Манба: Божхона қўмитасининг электрон базаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган*

## **I. Мазмунан ўхшаш шартнома турларини мақбуллаштириш йўналишида**

### Экспорт йўналишида

Бугунги кунда товарлар экспортини назарда тутувчи экспорт шартномаси, марказлаштирилган экспорт шартномаси, экспорт биржа шартномаси, экспорт консигнация шартномаси, ички экспорт шартномаси, қайта ишлаш бўйича экспорт шартномаси ва лизинг экспорт шартномаси мавжуд.

Уларнинг айримларидан фойдаланиш салмоғи жуда паст. Масалан, **2021-2024 йилларда** товарлар экспорти бўйича 167 минг ортиқ экспорт шартномаси тузилган бўлса, ушбу даврда 15 та марказлаштирилган экспорт шартномаси (*охирги маротаба 2021 йилда тузилган*), 35 та консигнация шартномаси (*2023 йилда – 3 та, 2024 йилда – 1 та*), 2 та лизинг шартномаси тузилган [2].

Ушбу шартномаларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда ТСОЯЭАТ)да шакллантириш, улар устидан мониторинг ва назорат олиб бориш деярли бир хил бўлганлиги сабабли, уларни божхона юқ декларациясининг битим хусусияти бандида акс эттириш орқали бирлаштириш мақсадга мувоғик деб хисобланади.

Бундан ташқари, экспорт шартномаси тузмасдан экспортни амалга ошириш ҳолатлари мавжуд (*инвойс асосида, дастурий таъминот экспорти ва савдо майдончалари орқали экспорт*). Ушбу ҳолатда ҳам 2021-2024 йилларда дастурий таъминот (*4 та*) ва савдо майдончалари орқали экспорт (*7 та*) улуши деярли йўқ [3].

Ушбу жараёнларни соддалаштириш мақсадида, дастурий таъминот экспорти ва савдо майдончалари орқали экспорт жараёнларини инвойс асосида экспорт таркиби киритиш мақсадга мувоғик.

### Импорт йўналишида

Бугунги кунда товарлар импортини назарда тутувчи импорт шартномаси, марказлаштирилган импорт шартномаси, импорт биржа шартномаси, қайта ишлаш бўйича импорт шартномаси, лизинг импорт шартномаси ва реклама битими мавжуд.

Уларнинг айримларидан фойдаланиш салмоғи жуда паст. Масалан, **2021-2024 йилларда** товарлар экспорти бўйича 459 минг ортиқ импорт шартномаси тузилган бўлса, ушбу даврда 2 та марказлаштирилган импорт шартномаси (*аслида марказлаштирилган эмас*), 18 та лизинг шартномаси тузилган [4].

Ушбу шартномаларни ТСОЯЭАТда шакллантириш, улар устидан мониторинг ва назорат олиб бориш деярли бир хил бўлганлиги сабабли, уларни

божхона юқ декларациясининг битим хусусияти бандида акс эттириш орқали бирлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, импорт шартномаси тузмасдан импортни амалга ошириш ҳолатлари мавжуд (*инвойс асосида ва реклама*). Ушбу ҳолатда реклама битимлари улуши камлиги сабабли, жараёнларни соддалаштириш учун уларни инвойс асосида импорт таркибиға киритиш мақсадга мувофиқ.

## **II. Айрим турдаги шартномаларни бекор қилиш йўналишида**

### Сотиб олиш ва сотиш операциялари

Ушбу турдаги операцияларда товарларни хориждан харид қилиб, мамлакатимизга олиб кирмаган ҳолда бошқа бир хорижий шахсга сотиш жараёнида амалга оширилади. Ушбу операцияларда фақатгина тижорат банклари томонидан валюта амалиётлари бажарилади, товарлар эса мамлакатимизга олиб кирилмаганлиги сабабли, бирор-бир божхона режимига расмийлаштирилмайди. Ушбу турдаги шартномалар ёрдамида товарсиз валюта айлантириш операцияларини амалга ошириш эҳтимоли юқорилиги сабабли, уларни бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

### Олиб кириш ва олиб чиқиш операциялари

Ушбу турдаги операцияларда товарлар хориждан сотиб олиниб, мамлакатимизга олиб кирилади ва “божхона ҳудудида қайта ишлаш”, “божхона омбори”, “эркин омбор” ёки “эркин божхона зонаси” божхона режимларидан бирига жойлаштириллади. Сўнгра, ушбу товарлар ёки қайта ишланган товарлар “экспорт” ёки “реэкспорт” божхона режимига расмийлаштирган ҳолда бошқа бир хорижий шахсга сотилади.

Бугунги кунда, тадбиркорлик субъектларида “олиб кириш” ва “импорт” шартномасини ёки “олиб чиқиш” ва “экспорт” шартномасини ўзаро чалкаштириш ҳолатлари мавжудлиги, ушбу турдаги аксарият операциялар бўйича тижорат банклари томонидан валюта операциялари асосиз рад этиш ҳолатлари учраётганлиги сабабли, ушбу турдаги шартномалар ижросида дебитор ва кредитор қарздорликлар шаклланиб қолмоқда.

Шу сабабли, “импорт” шартномаси ижросида товарларни “эркин муомалага чиқариш”, “божхона ҳудудида қайта ишлаш”, “божхона омбори”, “эркин омбор”, “эркин божхона зонаси” божхона режимларига, “экспорт” шартномаси ижросида товарларни “экспорт”, “реэкспорт”, “эркин омбор” божхона режимларига расмийлаштириш имконини бериш орқали “олиб кириш” ва “олиб чиқиш” шартномаларини бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

## **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо ва валюта операцияларини амалга оширишда янада қулайлик яратиш, валюта назорати органлари томонидан ўтказиладиган ташқи савдо операциялари мониторинги тартиб-таомилларини такомиллаштириш мақсадида шартномаларни қуидаги тартибда тақсимлаш мақсадда мувофиқ деб хисобланади:

- экспорт шартномаси;
- импорт шартномаси;
- экспорт инвойс;
- импорт инвойс;
- ички экспорт шартномаси;
- бартер шартномаси.

#### **Фойдаланилган адабиётлар ва интернет сайtlари рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сон қарори (<https://lex.uz/docs/4812419>);
2. Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (<https://www.customs.uz/uz/#>);
3. Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (<https://www.customs.uz/uz/#>).
4. Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (<https://www.customs.uz/uz/#>).